

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МАХМУДОВ УЛУГБЕК МАРИФДЖОНОВИЧ**

**БАРИАТРИК ОПЕРАЦИЯЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ,  
СЕМИЗЛИКНИ ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ КЎП ОМИЛЛИ  
БАХОЛАШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Махмудов Улугбек Марифджонович**

Бариатрик операцияларнинг замонавий тамойиллари, семизликни даволаш натижаларини кўп омилли баҳолаш ..... 3

**Махмудов Улугбек Марифджанович**

Современные принципы бариатрических операций с многофакторной оценкой результатов лечения ожирения ..... 29

**Makhmudov Ulugbek Marifdjanovich**

Current principles of bariatric surgery with multifactorial assessment of obesity treatment results ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МАХМУДОВ УЛУГБЕК МАРИФДЖОНОВИЧ**

**БАРИАТРИК ОПЕРАЦИЯЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ,  
СЕМИЗЛИКНИ ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ КЎП ОМИЛЛИ  
БАХОЛАШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Докторлик диссертацияси мавзуси (DSc) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/Tib348 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Назиров Феруз Гофурович**  
тиббиёт фанлари доктори, профеесор

**Расмий оппонентлар:**

**Муслимов Гурбанхан Фатали оглы**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Тешаев Октябрь Рухуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Исмаилов Уктам Сафаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**«Астана тиббиёт университети» Нотижорат  
акциядорлик жамияти (Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Докторлик диссертацияси билан академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (117-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги 117-рақамли реестр баённомаси).

**Х.К. Абролов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси уринбосари, тиббиёт фанлари доктори

**А.Х. Бабаджанов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.В. Девятон**

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда семизлик эпидемияси бутун дунёда тахликали суръатларда ўсишда давом этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг 2018 йилги ҳисоботида “семизлик даражаси 1975 йилга нисбатан уч бараварга ошган; 2,3 миллиарддан ортиқ катталар ортиқча вазнга эга, ва 700 миллиондан ортиқ одам морбид семизлик (МС) билан касалланган. Шу билан бирга, агар ушбу тенденция сақланиб қолса, 2025 йилга келиб ортиқча вазнга эга одамлар сонининг ХХІ аср бошларидаги кўрсаткичларига нисбатан икки баравар кўпайиши кутилмоқда”.<sup>1</sup> “Семизликнинг ўсиши билан бир вақтда, унга боғлиқ бўлган коморбид патология, шу жумладан, артериал гипертензия (АГ), 2-типдаги қандли диабет (ҚД2), дислипидемия, юрак ишемик касаллиги, инсультлар, обструктив уйқу апноэси, остеоартритлар, гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги, алкогольсиз ёғли жигар касаллиги ва саратоннинг 10 дан ортиқ турлари билан касалланиш ҳолатлари частотаси ортиб боради.<sup>2</sup> Семизлик юқори ўлим хавфи, шунингдек, юрак-қон томир касалликлари билан боғлиқ бўлиб, уни даволаш ҳар йили тахминан 2,5 миллион ўлим ҳолатларини олдини олиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё давлатлари орасида ортиқча вазнли одамлар сони бўйича етакчи ўринни эгаллайди (44,5% фуқаролар, шундан 20,4% ҳаддан зиёд семиз), буни «25 йил ичида 195 мамлакатда ортиқча вазн ва семизликнинг соғлиқ учун глобал оқибатлари» тадқиқотлари натижалари тасдиқлайди.<sup>3</sup> Ҳозирги вақтда МСда бажарилувчи жарроҳлик операциялари доираси эндоскопик усулда ошқозон ичига балон ўрнатиш амалиётларидан бошлаб, овқат ҳазм қилиш жараёнининг анатомик ва физиологик механизмларини қайта ташкил этувчи ҳамда ўзгартирувчи мураккаб комбинациялашган аралашувларни ўз ичига олади. Шунга қарамай, ҳозирги вақтда МСда у ёки бу турдаги бариатрик аралашувларга аниқ кўрсатмалар етарли даражада белгиланмаган ва стандартлаштирилмаган.

Жаҳон амалиётида юрак-қон томир тизими фаолиятига (юракнинг гемодинамик ва морфометрик кўрсаткичларини яхшилаш), ёғ тўқималарининг микро қон томирлар дисфункциясига (адипосопатиянинг пасайиши, тизимли яллиғланиш), ошқозон ёки ичакнинг сўрувчи юзаси узунлиги ҳажмининг камайиши билан боғлиқ ошқозон-ичак тракти физиологияси таъсирига (эрта тўйинганлик индукцияси, гликемик таъсирнинг кучайиши, тўйинганлик гормонининг кўпайиши ва постпрандиал грелиннинг пасайиши), нафас олиш тизимининг фаолиятига (нафас олиш ҳажмининг ошиши, яллиғланишга қарши омилларнинг пасайиши, бронхиал астманинг регрессияси), ҚД2 кечишига (инсулинга бўлган сезгирликни ошириш) уларнинг таъсирига

<sup>1</sup> WHO. Obesity and Overweight Fact Sheet. 2018. February 2018. <http://www.who.int/news-room/factsheets/detail/obesity-and-overweight> (accessed 5 August 2018).

<sup>2</sup> Gregg E.W., Shaw J.E. Global Health Effects of Overweight and Obesity // N Engl J Med 377;1 nejm.org July 6, 2017. 80-81. DOI: 10.1056/NEJMe1706095.

<sup>3</sup> Health Effects of Overweight and Obesity in 195 Countries over 25 Years. The GBD 2015 Obesity Collaborators // N Engl J Med 2017; 377:13-27. DOI: 10.1056/NEJMoa1614362

асосланган бариатрик амалиётларнинг самарадорлигини ўрганишга қаратилган бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида бариатриянинг, хусусан эндовизуал каминвазив жарроҳлик амалиётларининг ривожланиши ўсиш тенденциясига эга. Шу муносабат билан МС билан касалланган беморларга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида ушбу тадқиқотни бажаришга қўл урилган. Ушбу муаммони ҳал этиш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг “аҳоли ўртасида касалланиш ва ўлим даражасини пасайтиришга” қаратилган бешта устувор йўналишлари билан чамбарчас боғлиқдир.<sup>4</sup> Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, уларнинг самарадорлигини кўп омилли баҳолаш асосида бариатрик жарроҳлик амалиётлари натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чоратадбирлар тўғрисида” 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида”ги 2017 йил 10 майдаги 266-сонли қарори, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада ҳизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.<sup>5</sup>** МС билан касалланган беморларга кўрсатилаётган тиббий ва профилактика ёрдами сифатини яхшилашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, шу жумладан, St John of God Hospital (Австралия), Allgemeines Krankenhaus der Stadt Wien, Universitätskliniken (Австрия), Santa Casa de Misericórdia de São José do Rio

<sup>4</sup> “Ўзбекистон Республикасини янада риволантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

<sup>5</sup> Халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбалардан фойдаланган ҳолда ўтказилган: Benjamin EJ, Muntner P., Alonso A., Bittencourt M.S., Callaway CW va boshq. Heart disease and stroke statistics - 2019 update: a report from the American Heart Association. // Circulation. 2019;139(10):e56–528; Di Lorenzo N., Antoniou S.A., Batterham R.L., Busetto L., et al.. Clinical practice guidelines of the European Association for Endoscopic Surgery (EAES) on bariatric surgery: update 2020 endorsed by IFSO-EC, EASO and ESPCOP// Surgical Endoscopy (2020) 34:2332–2358; Fifth IFSO Global Registry Report 2019 // Prepared by Ramos A., Kow L., Brown W., Welbourn R. // IFSO Global Registry. 2019; Gagner M., Ramos Cardoso A., Palermo M., Noel P., Nocca D. The Perfect Sleeve Gastrectomy A Clinical Guide to Evaluation, Treatment, and Techniques // Springer Nature Switzerland AG 2020., p. 497.; Graham C., Switzer N., Reso A., et al. Sleeve gastrectomy and hypertension: a systematic review of long-term outcomes. // Surg Endosc. 2019; 33(9):3001-7; Welbourn R., Hollyman M., Kinsman R., et al. Bariatric Surgery Worldwide: Baseline Demographic Description and One-Year Outcomes from the Fourth IFSO Global Registry Report 2018 // Obesity Surgery (2019) 29:782-795.

Preto (Бразилия), Toronto Western Hospital - University Health Network (Канада), First affiliated hospital of Nanjing Medical University (Хитой), Hôpital Européen Georges-Pompidou (Франция), Adipositaszentrum Nordhessen (Германия), Centre for Obesity & Digestive Surgery (Хиндистон), Rabin Medical Center – Belinson & Hasharon Hospitals (Исроил), Centro per il trattamento della Grande Obesità dell’Ospedale di Bolzano (Италия), Tokyo Metropolitan Tama Medical Center (Япония), Obesitas Centrum Amsterdam (Нидерландия), Stavanger University Hospital (Норвегия), Korea University Anam Hospital (Жанубий Корея), Hospital Clinico San Carlos, Universidad Complutense de Madrid (Испания), Bariatric Center Sophiahemmet (Швеция), Hirslanden Klinik (Швейцария), Murat Ustun Center for Obesity & Metabolism Surgery (Туркия), Bariatric & Metabolic Institute (БАА), BMI The Princess Margaret Hospital (Буюк-Британия), Fresno Heart & Surgical Hospital (АҚШ), Astana Medical University (Қозоғистон), ГНУ “Центр инновационных медицинских технологий НАН Украины” (Украина), Многопрофильный медицинский центр Эндохирургии и литотрипсии (Россия), Первый Санкт-Петербургский государственный медицинский университет им. акад. И.П. Павлова (Россия), Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон), Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) ўтказилган.

Дунёда МС билан касалланган беморларни ташхислаш, периператив олиб бориш ва жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилди, жумладан: метаболик синдром мавжуд бўлган беморларда бел айланаси узунлиги касаллик кечиши оғирлигини баҳолашда асосий компонент ҳисобланиши ва юрак-қон томир ҳамда ҚД2 хавфини ошишида МС асосий ўрин тутиши аниқланган (Department of Medical Sciences, Uppsala University Hospital, Уппсала, Швеция); бариатрик жарроҳлик ошқозон-ичак тўйинганлик омиллари секрециясини кучайишига, асаб тизими регуляциясининг ичак / мия даражасида ўзгаришига, қайта тикланган ичак микробиоми ва озуқа моддаларининг ошқозонга тезда етиб бориши билан ошқозоннинг кучли бўшатилишига олиб келиши исботланган. (King Saud bin Abdulaziz University for Health Sciences, Ар-Риёд, Саудия Арабистони); бутун дунё бўйича бариатрик жарроҳлик амалиётлари структурасида меъданинг лапароскопик енгли резекцияси (МЛЕР) (The International Federation for the Surgery of Obesity and Metabolic Disorders) бажарилиш кўрсаткичлари бўйича етакчига айланганлиги кўрсатилган; ошқозоннинг лапароскопик енгли резекцияси бажарилгандан сўнг ошқозон ҳажмининг кескин камайиши ва иштаҳа ҳамда овқат истеъмол қилишнинг пасайишига ёрдам берувчи бир қатор гормонал ўзгаришлар туфайли вазн камайишига эришилганлиги аниқланди (Department of Metabolic Medicine, Hammersmith Hospital, Imperial College London, Буюк Британия); касалликнинг кечишини яхшилаш нуқтаи-назаридан бариатрик жарроҳликнинг ҚД2 кечишига ижобий таъсири кўрсатилган (Bariatric and Metabolic Institute, Department of General Surgery, Cleveland Clinic, Кливленд); МЛЕРдан сўнг МС бор беморларда дислипидемияни бартараф қилиниши, ёғ

тўқималарининг яллиғланишга мойил омилларни ишлаб чиқаришини пасайиши ва юрак чап қоринчасининг қайта моделланиши туфайли юрак-қон томир хавфининг бир неча бор пасайиши кузатилганлиги исботланган (Department of Endocrinology and Nutrition, Hospital Universitari del Mar, Барселона, Испания).

Ҳозирги вақтда дунёда МС бор беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган тадқиқотлар давом этмоқда, бу ҳолат беморлар ушбу контингентининг барқарор ўсиши, жаррохлик тактикасига ёндашувларнинг ноаниқлиги, анатомик қайта шаклланиш ва бариатрик жаррохликдан сўнг кардиометаболик хавфни динамик баҳолаш ва овқат ҳазм қилиш физиологиясидаги ўзгаришларни батафсил ўрганиш зарурати, унинг семизликка ҳамроҳ патологиялар кечишининг оғирлигига таъсири, амалиётлар хавфсизлигини яхшилаш учун МЛЕРнинг техник жиҳатларини яхшилашга боғлиқ. Ушбу клиник жиҳатларни янада тадқиқ қилиш, шубҳасиз, МС патогенези тўғрисидаги замонавий фаразларни яхшилайти ва унинг даволаш муаммоларини эндовизуал жаррохликнинг янги позицияларидан ўрганишга имкон беради.

**Муаммонининг ўрганилганлик даражаси.** Семизлик ва метаболик касалликлар жаррохлиги Халқаро федерациясининг сўнгги ҳисоботи маълумотларига кўра (Fifth IFSO Global Registry Report – 2019) “Бариатрик амалиётлар (БА) дунёдаги 61 мамлакатнинг 550 та тиббий марказларида амалга оширилмоқда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам”.<sup>6</sup> Аксарият муаллифлар аралашувдан 3-5 йил ўтгач БАларнинг узок йиллик натижаларини тақдим этадилар, фақатгина SOS (Swedish Obesity Study) тадқиқотлари хавф омиллари ёки улар билан боғлиқ касалликлар мавжуд бўлган, ТВИ>35 кг/м<sup>2</sup> бўлган 2010 нафар беморларни ўз ичига олган ягона проспектив когорт тадқиқоти ҳисобланади. Ушбу тадқиқотда узок йиллик натижалар БА дан кейин 4-18 йил давомида (10,9±3,5) кузатиб борилган.<sup>7</sup> Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, БА дан 2 ва 10 йил ўтгач беморларда барқарор 20-30 кг вазн йўқотиш, гипертриглицеридемия ва КД2 частотасининг пасайиши кузатилган, шу билан бирга, гиперхолестеринемия даражаси ўзгармаган ва АГ динамикаси салбий бўлган. Ушбу тадқиқотнинг асосий натижаларидан бири шундаки, БА дан кейин умумий ўлим кўрсаткичининг нисбий хавфида статистик жиҳатдан сезиларли пасайиш кузатилган. Бироқ, ушбу натижани изоҳлашда, бу катта натижаларга айнан вазн йўқотиш сабаб бўлди деб аниқ айтиш мумкин эмас. БА ни кўп омилли баҳолаш талаб қилинади, чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам вазн йўқотиш ижобий метаболик таъсир билан бирга келавермайди, вазн ортиши қайталаниши мумкин ва МС билан оғриган беморларда коморбидлик динамикаси бир хил эмас, бу кўшимча тадқиқотларни талаб қилади. БА натижаларини кўп омилли баҳолаш периператив хавфни баҳолашни ўз ичига олган тактик ва техник жиҳатларни мукаммаллаштиришга; яллиғланиш ва адипоцитокинлар биомаркерларини

<sup>6</sup> Fifth IFSO Global Registry Report 2019 // Prepared by Ramos A., Kow L., Brown W., Welbourn R. // IFSO Global Registry. 2019;

<sup>7</sup> Sjöström L. Review of the key results from the Swedish Obese Subjects (SOS) trial – a prospective controlled intervention study of bariatric surgery. // J Intern Med 2013;273:219-234.



баҳолашни ўз ичига олган коморбидлик ва метаболик соғлиқнинг пасайганлигини ҳақиқий манзарасини яратиш; БА дан кейин беморларнинг ҳаёт сифатини ва моддалар алмашинуви билан боғлиқ бузилиш даражасини баҳолаш, шунингдек вазн йўқотиш барқарорлигини башорат қилиш имконини беради.

Лапароскопик усулларни фаол равишда жорий этиш БА нинг имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди ва бугунги кунда 99,1% дан ортиқ БА эндовизуал тарзда бажарилмоқда (Fourth IFSO Global Registry Report – 2018)<sup>8</sup>. Ҳозирги вақтда БА структурасидаги МЛЕР улуши дунёнинг турли мамлакатларида 35-100% ни ташкил қилади. 2007 йилдан бошлаб МЛЕР га бағишланган 6 та Халқаро Конгресс бўлиб ўтди (International consensus summit for sleeve gastrectomy).<sup>9</sup> 2016 йилда МЛЕР учун кўрсатмалар кенгайтирилди ва бу 97,5% МС ҳолатларида танлов амалиёти эканлиги, у юқори хавф остидаги (92,4%) беморларда, шу жумладан буйрак ва жигар трансплантациясига номзодларда (91,6%), метаболик синдромга эга беморларда (83,8%), коморбидлик мавжуд бўлиб ТВИ 30-35 кг/м<sup>2</sup> бўлган шахсларда (79,8%), кекса ёшдаги беморларда (89,1) бажариш мумкинлиги таъкидланган. (Fifth International consensus summit for sleeve gastrectomy, 2016). МЛЕР бўйича халқаро экспертлар ушбу жарроҳлик аралашув кўрсатмаларини кенгайтиришга нисбатан яқдил фикрдалар, аммо МЛЕР га қарши кўрсатмаларга нисбатан қарашлари кескин фарқланади. 2011-2014 йилларда МЛЕРни ўтказиш тажрибаси гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги (ГЭРК), хиатал чурралар, ТВИ 60 кг/м<sup>2</sup> дан ортиқ бўлганида аралашувга қарши кўрсатмаларни кенгайтириш зарурлигини кўрсатди. Сўнгги йилларда бутунжаҳон ва минтақавий конгрессларда ва ҳатто махсус мавзуй тадбирларда МЛЕР доимий равишда муҳокама қилинишига қарамай, ушбу жарроҳлик амалиётини бажариш кўрсатмалари ва уни амалга оширишнинг техник жиҳатлари билан боғлиқ кўплаб масалалар ҳали ҳам нашр этилган манбаларда бир хил нуқтаи-назардан кўриб чиқилмаяпти (Gagner M. et al., 2020).<sup>10</sup> Шундай қилиб, ошқозон найчасининг қайси диаметри мақбул эканлиги, ошқозоннинг антрал қисмини қолдириш ёки резекция қилиш керакми, степлер чизиғини перитонизация қилиш кераклиги ёки уни бошқа кўплаб усуллар билан қоплаш кераклиги тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас (Хацев Б.Б. ва бошқ., 2018); вазн ва метаболик синдром таркибий қисмларини тузатиш ва МЛЕР дан кейинги коморбид патологияга нисбатан таққослаш тадқиқотлари натижалари ҳам бир-бирига анча зид; МЛЕР ни бошдан кечирган беморларнинг контингенти ҳам бир хил эмас, беморларнинг турли гуруҳларини таҳлил қилишда олинган натижалар ушбу жарроҳлик амалиётларининг мустақил усул сифатида

<sup>8</sup> Welbourn R., Hollyman M., Kinsman R., Dixon J., Liem R., Ottosson J., Ramos A., Våge V., Al-Sabah S., Brown W., Cohen R., Walton P., Himpens J. Bariatric Surgery Worldwide: Baseline Demographic Description and One-Year Outcomes from the Fourth IFSO Global Registry Report 2018 // *Obesity Surgery*. 2019; 29:782-795.

<sup>9</sup> Gagner M., Hutchinson C., Rosenthal R. Fifth international consensus conference: current status of sleeve gastrectomy. // *Surg Obes Relat Dis*. 2016;12(4):750–6..

<sup>10</sup>2019; Gagner M., Ramos Cardoso A., Palermo M., Noel P., Nocca D. The Perfect Sleeve Gastrectomy A Clinical Guide to Evaluation, Treatment, and Techniques // Springer Nature Switzerland AG. 2020, p. 497.

имкониятлари тўғрисида тўлиқ тасаввур бермайди.<sup>11,12</sup> Худди шундай ҳолат ошқозон ичига балон ўрнатиб даволаш усулига нисбатан ҳам тегишли: кўрсатмалар, фойдаланиш муддатлари таърифи йўқ; бошланғич ТВИ га қараб беморларни танлаш ва МС даволашга нисбатан ушбу ёндашувнинг аҳамиятини баҳолаш мезонлари мавжуд эмас; МС билан касалланган беморларни босқичма-босқич даволаш усуллариининг самарадорлиги аниқланмаган (Borges A.C. ва бошқ., 2018)<sup>13</sup>.

Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, МС билан касалланганларда профилактика, ташхисот ва даволаш муаммолари янги ечимларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида МС бор беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона тизими мавжуд эмас, шу билан бирга беморлар терапевтлар, эндокринологлар ва бошқа мутахассислар томонидан даволанмоқда, шу билан бирга МЛЕРни бажариш техникасини такомиллаштириш учун меъда бўлимларини интраоператив визуализациясини мукаммаллаштиришнинг техник жихатлари, МСда меъда ичига баллон ўрнатиш услубининг аҳамияти ва самарадорлигини аниқлаш, шунингдек икки босқичли бариатрик даволашда комплекс бариатрик даволашнинг рестриктив ва метаболлик таъсирини баҳолаш долзарб тадқиқот йуналишлари бўлиб қолмоқда. Ушбу тадқиқотда мамлакатимизда бажарилган эндовизуал бариатрик амалиётлар натижаларининг биринчи кенг қамровли таҳлили акс этган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти «Морбид семизликни жарроҳлик йўли билан даволашда эндовизуал технологиялардан дифференциал фойдаланишнинг услубий асослари ва тамойилларини ишлаб чиқиш» номли ПЗ-2017091251 амалий илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020).

**Тадқиқотнинг мақсади** бариатрик жарроҳлик амалиётлари натижаларини яхшилаш ва уларнинг самарадорлигини кўп омилли баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ёғ захираларини ҳисобга олган ҳолда семизлик ва унинг метаболлик фенотипини кенг қамровли ташхисотини амалга ошириш;

меъданинг лапароскопик энгли резекциясидан кейинги турли муддатларда эритроцитлар ҳолатининг морфологик хусусиятларини ўрганиш;

меъданинг лапароскопик энгли резекциясини бажариш техникасини такомиллаштириш учун ошқозон бўлимларининг интраоператив визуализациясини мукаммаллаштириш: резекция чизигини, ҳосил

<sup>11</sup> Хациев Б.Б., Кузьминов А.Н., Джанибекова М.А., Узденов Н.А. Техника выполнения лапароскопической продольной резекции желудка при морбидном ожирении // Эндоскопическая хирургия. 2018; 1: 38-41.

<sup>12</sup> Salminen P., Helmiö M., Ovaska J., Juuti A., et al. Effect of Laparoscopic Sleeve Gastrectomy vs Laparoscopic Roux-en-Y Gastric Bypass on Weight Loss at 5 Years Among Patients With Morbid Obesity: The SLEEVEPASS Randomized Clinical Trial // JAMA. 2018 Jan 16;319(3):241-254.

<sup>13</sup> Borges A.C., Almeida P.C., Furlani S.M.T., De Sousa Cury M., Gaur Sh. Intra gastric balloons in high-risk obese patients in a Brazilian center: initial experience // Rev Col Bras Cir. 2018; 45(1):e1448. DOI: 10.1590/0100-6991e-20181448

қилинадиган меъда найчасининг диаметрини танлаш, степлер чоки чизиғининг мустаҳкамлигини назорат қилиш;

меъданинг лапароскопик энгли резекциясидан сўнгги эрта асоратларни ўрганиш ва уларнинг олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш;

морбид семизликда, шу жумладан икки босқичли бариатрик даволашда ошқозон ичига балон ўрнатиш усулини қўллашнинг аҳамияти ва самарадорлигини аниқлаш;

морбид семизликни комплекс бариатрик даволашнинг рестриктив (вазн йўқотиш динамикаси) ва метаболик таъсирини (коморбидликнинг регрессияси) баҳолаш;

МЛЕР ва меъда ичига баллон ўрнатишдан кейин кардиометаболик хавф босқичларини қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

бариатрик амалиётлардан сўнг беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2014 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда «Академик В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ» давлат муассасасининг эндовизуал жарроҳлик бўлимига режали даволаниш учун ётқизилган, бариатрик амалиётлар ва муолажалар ўтказилган МС бор 68 нафар бемор хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** бариатрик жарроҳлик амалиётлари самарадорлигини таҳлил қилиш, коморбид ҳолатлар, бариатрик аралашувлардан сўнг метаболик бузилишларнинг динамикасини ва МС билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолашдан иборат.

**Текшириш усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: умумклиник, инструментал (ультратовуш, эндоскопик, рентгенологик, МСКТ) ва махсус усуллар (морфологик ва биокимёвий), статистик тадқиқот усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

морбид семизлик барча ҳолатларда метаболик жиҳатдан носоғлом фенотип билан ажралиб туриши, шу билан бирга беморларнинг аксарияти Cardiometabolic Disease Staging шкаласи бўйича ўртача ва юқори кардиометаболик хавфга эга эканлиги аниқланган;

меъданинг лапароскопик энгли резекциясидан кейин дискоцитлар ва эритроцитларнинг патологик шакллари ҳолатининг морфологик хусусиятлари ва фундал безларнинг париетал хужайралари массасининг купайиши ва Касл омилининг компенсатор тикланиши натижасида уларнинг нисбатларини барқарорлаштиришга мойиллиги аниқланган;

хирургик амалиётнинг хавфсиз бажарилишини таъминловчи, ошқозоннинг кичик эгрилигини интраоператив нур билан белгилаш учун ишлаб чиқилган бариатрик зонддан фойдаланиб меъданинг лапароскопик энгли резекцияси услуби мукаммаллаштирилган;

бўшлиқ ичи босимининг ошишига йўл қўймаслик ва степлер чокларининг проксимал етишмовчилигини олдини олиш учун резекция чизиғини ошқозон бурчагига (*incisura angularis*) боғлиқ ҳолда ҳосил қилиш орқали бир текис-бўшлиқли ошқозон найчасини шакллантириш усули мукаммаллаштирилган;

меъда ичига баллон ўрнатиш ёрдамида даволашдан кейин ортиқча тана вазнининг пасайиши морбид семизлик билан оғриган беморларда кардиометаболик хавфни камайтиришга ёрдам бериши ва ундан тана вазни ўта юқори бўлган шахсларда жарроҳлик амалиётидан олдинги тайёргарлик сифатида самарали фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

меъданинг лапароскопик энгли резекциясидан кейин спирометрик ва юракнинг ҳажмий-чизиқли кўрсаткичларининг ўзгариш қонуниятлари ва уларнинг кардиометаболик хавф динамикаси билан алоқаси аниқланган;

бариатрик аралашувни амалга оширишда С-реактив оқсилнинг ортиши, висцерал ёғ майдони, тана юзасига нисбатан хисобланган якуний-систолик ва якуний-диастолик ҳажм кўрсаткичлари кардиометаболик хавфни баҳолашнинг ўзига хос омиллари эканлиги аниқланган;

меъданинг лапароскопик энгли резекциясидан кейин тана вазнининг такрорий ортиши профилактикаси ўз ичига ҳаёт сифатини баҳолашни, шунингдек липидемия ва яллиғланишга мойиллик ҳолати кўрсаткичларининг лаборатор мониторингини олиши лозимлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

юқори кардиометаболик хавф гуруҳини аниқлаш учун бариатрик аралашувдан олдин эхокардиографик ва лаборатор кўрсаткичларни баҳолаш зарурлиги асослаб берилган;

МЛЕРдан кейинги эрта даврдаги ўзига хос асоратларни олдини олиш учун учта анатомик “хавф бурчаги” га, яъни, *incisura angularis* - энгнинг торайиш бурчаги, ошқозон-талоқ бойлами - қонаш бурчаги ва Гис бурчаги - степлер чоки етишмовчилиги бурчагига эътибор қаратиш зарурлиги аниқланган;

лапароскопик амалиётнинг резекция қилиш босқичини бажаришда ошқозон кичик эгрилигини интраоператив ички ёруғлик билан белгилаб олиш ҳамда степлер чизигининг энг хавфсиз бўйлама йўналишини танлаш учун махсус бариатрик калибрлаш зонди таклиф қилинган;

меъданинг лапароскопик энгли резекциясидан кейин ташқи нафас олиш функциясининг тикланиши ва чап қоринча қониқарли хайдаш фракциясининг мавжудлиги меъёрланган жисмоний юкламалар тавсия этиш имкониятини бериши исботланган;

МЛЕРдан кейинги анемиянинг қиёсий ташхисоти учун эритроцитлар морфологиясини баҳолаш ва уларнинг патологик шаклларини аниқлаш билан гемограмманинг динамик мониторингини ўтказиш зарурлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, статистик таҳлилларнинг услубий ёндашувлари ва тўпламларидан тўғри фойдаланиш орқали асосланган. Тадқиқот етарли даражадаги клиник материалда ўтказилган. Диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш усуллари МС билан касалланганларни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашда мавжуд замонавий илмий ва амалий тушунчалар ва ёндашувларга асосланган. Кўриб

чиқилган муаммоларни ҳал этиш тиббий статистиканинг замонавий синалган усуллари билан амалга оширилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Олинган натижалар БА нинг метаболик самарадорлиги механизмлари, морбид семизлик билан касалланган беморларда коморбидлик ва кардиометаболик хавф даражаси тўғрисидаги мавжуд тушунчаларни кенгайтиришга катта ҳисса қўшади, ушбу тоифадаги беморларнинг бариатрик аралашувлардан олдин ва кейин соматик соғлиғини кўп омилли баҳолаш эса жарроҳликнинг тактик-техник ёндашувларини такомиллаштиришга, периоператив хавф даражасини баҳолашга ва асоратларни тахмин қилишга имкон берган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида, босқичлилиқ, соматик ҳолатни кўп омилли баҳолаш, “хавфнинг учта нуқтаси”ни баҳолашнинг тактик усулларида фойдаланиш ва меъданинг кичик эгрилигини интраоператив визуализация қилиш усулини мукамаллаштириш, шунингдек, операциядан кейинги асоратлар сонини камайтиришга ва умуман олганда МЛЕР натижаларини яхшилашга имкон берувчи кардиометаболик хавф омилларини баҳолаш ва бариатрик муолажалардан кейинги динамик инструментал ва лаборатор мониторингни ўз ичига оладиган бариатрик жарроҳлик тамойиллари мақбуллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Морбид семизлик билан касалланган беморларга юқори технологик ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра:

«Меъданинг лапароскопик «енгли» резекцияси техникасини такомиллаштириш ва жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларнинг олдини олиш йўллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 8н-з/132-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсиялар морбид семизлик билан касалланган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилашга ва жарроҳлик амалиётидан кейинги ўзига хос асоратларни ривожланиш эҳтимолини камайтиришга имкон берган;

«Морбид семизлик билан касалланган беморларнинг метаболик соғлиғини аниқлаш ва бариатрик аралашувлар самарадорлигини комплекс баҳолаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 8н-з/132-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар кардиометаболик хавф омиллари динамикасини, юракнинг ҳажмий-чизикли эхокардиографик параметрларини, ташқи нафас олиш функцияларини, шунингдек, бариатрик жарроҳликдан олдин ва кейин дислипидемия лаборатория маркерларини ҳисобга олган ҳолда морбид семизлик билан касалланган беморларда соматик саломатликни комплекс баҳолаш сифатини оширишга имкон берган;

«Меъданинг лапароскопик «енгли» резекциясида ошқозон кичик эгрилигини интраоперацион ички ёруғлик билан белгилаш учун калибровкали бариатрик зонд» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 8н-з/132-сон маълумотномаси) такомиллаштирилди. Меъданинг кичик

эгрилигини интраоперацион ички ёруғлик билан белгилаб олишнинг такомиллаштирилган усули меъдада хавфсиз энгли резекция амалиётини ўтказишга ёрдам беради, бу эса ушбу бариатрик жарроҳлик амалиётидан кейинги ўзига хос асоратларни ривожланиш хавфини камайтирган;

морбид семизлик билан касалланган беморларга кўрсатилаётган жарроҳлик ёрдами сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, хусусан, «Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасининг эндовизуал жарроҳлик бўлими, Ибн Сино номидаги 1-сон сахар клиник шифохонасининг жарроҳлик бўлими (Тошкент), шунингдек, “Vitamed Medical” МЧЖ ХК кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлими амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 8н-з/132-сон маълумотномаси). Соматик ҳолатни баҳолаш учун комплекс ёндашув ва морбид семизлик билан касалланган беморларда меъданинг лапароскопик энгли резекциясининг такомиллаштирилган техникаси ортиқча вазн йўқотилишини 93% гача етказиш, шунингдек, аралашувдан кейин 12 ой ўтгач, ўртача ва юқори кардиометаболик хавфга эга беморлар сонини 1,9 баравар камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 10 та илмий ва амалий конференцияларда, шу жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг чоп этилганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, жумладан, 11 та мақола, улардан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, етти боб, хулоса, якуний қисм, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан ташкил топган. Илмий иш ҳажми 200 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Диссертациянинг кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, объектлар ва предметлар тавсифланади, тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологиясининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар очиб берилган.

Диссертациянинг **“Морбид семизликни жарроҳлик йўли билан даволаш: бариатрик жарроҳликнинг ҳозирги ҳолати; даволашни мақбуллаштириш ва самарадорлигини баҳолаш”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган, бу ерда замонавий соғлиқни сақлашда семизликнинг ижтимоий-


тиббий жиҳатлари, семизлик билан боғлиқ касалликлар ва кардиометаболик хавф омиллари хусусиятлари, семизликни жарроҳлик йўли билан даволашнинг тарихий маълумотлари ва ҳозирги тенденциялари ёритилган.

Диссертациянинг “**Материалнинг клиник хусусиятлари ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**” деб номланган иккинчи боби беморларни тавсифлашга, шунингдек қўлланилган тадқиқот усулларига бағишланган. Ушбу иш “Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасасида бошланғич МС билан (ИСД-10 бўйича E66.0) касалланган 68 нафар беморда (16 нафар эркак, 52 нафар аёл) 2014-2019 йилларда бажарилган режаланган бариатрик жарроҳлик аралашувлар натижаларига асосланган.

Семизликнинг оғирлигини аниқлаш ва баҳолаш учун Осиё аҳолисига мослаштирилган ЖССТнинг семизлик таснифидан фойдаланилди (1997) (семизлик ТВИ >27,5 кг/м<sup>2</sup> бўлганда қайд этилади), ТВИ Кетле формуласи ёрдамида ҳисоблаб чиқилган (кг/м<sup>2</sup>). Генетик ва эндокрин касалликлар туфайли иккинчи даражали семизлик; эрта жарроҳлик менопаузаси; 60 ёшдан катта ёш истисно мезонлари бўлди.

Беморларнинг ўртача ёши  $36,5 \pm 1,2$  йилни ташкил этди, ушбу аломатнинг (СД) қийматларини ёйилганлик даражасини тавсифловчи стандарт оғиш 10,3 йилни ташкил этди. 20-44 ёшдаги аёллар устунлик қилди - 77,9%. Беморларнинг умумий гуруҳида (n = 68) ўртача ТВИ  $46,01 \pm 1,14$  кг / м<sup>2</sup>, СД = 9,4 кг; даволаш пайтида ўртача ТВ  $130,7 \pm 3,6$  кг, СД = 30,1 кг; ўртача ортиқча вазн (ВИ%)  $54,7 \pm 3,9\%$ , СД = 32,1% ни ташкил этди.

Бажарилган аралашувларнинг тузилиши куйидагича бўлди: 23 нафар беморга (6 нафар эркак ва 17 нафар аёл) ошқозон ичига балон ўрнатиш (МИБЎ), 45 нафар беморга (10 нафар эркак ва 35 нафар аёл) ошқозоннинг лапароскопик энг резекцияси (МЛЕР) ва 3 ҳолатда лапароскопик гастрешунтлаш (МЛЕР) бажарилган) (1-расм).



**1-расм. Беморларни жинси бўйича тақсимлаш билан бажарилган бариатрик аралашувларнинг тузилиши**

Аммо ушбу беморлар тадқиқотга алоҳида кичик гуруҳ сифатида киритилмаган, уларни даволаш натижалари клиник ҳолатлар кўринишида иловада келтирилган. Анестезик хавф ва коморбидликни камайтириш учун дастлабки МИБЎ 4 нафар беморда амалга оширилди, шундан сўнг уларда МЛЕР ўтказилди. МЛЕР ўтказишда эркаклар ва аёлларнинг нисбати 0,28 дан, МИБ ни ўрнатишда эса 0,35 дан иборат бўлди.

Бариатрик аралашувларни ўтказиш учун ТВИ 40 кг / м<sup>2</sup> дан юқори; ТВИ 35 кг / м<sup>2</sup> ва ундан ортиқ бўлиб, камида битта ҳамроҳ касаллик (ҚД2, УОА, ГК, дислипидемия) кўрсатма бўлди.

МЛЕР ни бажаришга қарши кўрсатмалар қуйидагилар эди: анестезиологик хавфи (АСА бўйича IV-V синфлар); зўрайиш босқичида ошқозон-ичак трактининг сурункали касалликлари; алкоголь ёки гиёҳвандликка қарамлик анамнези; руҳий касалликлар. МИБни ўрнатишга қарши кўрсатмалар қуйидагилар эди: қизилўнгач, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг эрозияси ва яраси, анамнездаги ошқозон жарроҳлиги, ДҚТЧ, ҳомиладорлик, антикоагулянтлар қабул қилиш, стероид ва ностероид яллиғланишга қарши дориларни қабул қилиш пайтидаги гастропатия, гиёҳвандликка ва спиртли ичимликларга қарамлик, жигар циррози, оғир руҳий касалликлар.

Даволаш самарадорлигини ва жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларнинг хусусиятларини баҳолаш қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилди. Ортиқча ТВ камайиш даражаси (% Excess Weight Loss - %EWL) қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилган  $\%EWL = \frac{\text{операциядан олдин ТВ} - \text{ҳозирги вақтдаги ТВ}}{\text{жарроҳликдан олдин ТВ} - \text{идеал ТВ}} * 100\%$ . Мавжуд бўй ва ТВИ = 29,9 кг/м<sup>2</sup> бўлганда ТВ идеал деб ҳисобланди.

Периоператив хавфни тахмин қилиш, шунингдек, бариатрик аралашув самарадорлигини тахмин қилиш, Америка Метаболик ва Барият Жарроҳлиги Жамияти томонидан таклиф қилинган Bariatric Surgical Risk/Benefit Calculator (BSRBC) - (ASMBS) <https://asmbs.org/resources/bariatricsurgical-risk-benefit-calculator>. ёрдамида амалга оширилди.

Юқоридаги омилларни таҳлил қилгандан сўнг қуйидаги хавфлар ҳисоблаб чиқилади: степлер чок чизигининг заифлиги (СЧЧЗ), қон кетиш, қайта жарроҳлик амалиёти ўтказиш, 30 кунлик қайта аралашуш хавфи, ҳар қандай асорат хавфи, алоҳида ажратилган жиддий асоратлар хавфи, жарроҳлик инфекцияси, 30 кунлик ўлим хавфи, шунингдек ТВИ ва % ТВИ ПД йиллик динамикаси тахмини, коморбидликнинг регрессияси. Жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларнинг хусусиятини баҳолаш учун Clavien-Dindo таснифидан фойдаланилган.

Олинган натижалар статистик жиҳатдан қайта ишланди, фарқларнинг статистик аҳамияти баҳоланди ва аҳамиятлилик даражаси сифатида  $p < 0,05$  қабул қилинди.

МЛЕР жарроҳлик техникаси стандартлаштирилмаган, шунинг учун кўплаб тактик ва техник жиҳатлар зиддиятли ҳисобланади. Ўтказилган тадқиқотлар МЛЕР нинг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш истиқболларини ва даволаш жараёнида ортиқча ТВ-нинг коморбидлик ва



унинг динамикасини ривожланишига таъсирини кейинги тадқиқотлар учун янги йўналишларини аниқлашга имкон берди.

Диссертациянинг “**Бариатрик аралашувдан олдин семизликни комплекс баҳолаш**” деб номланган учинчи бобда семизлик билан боғлиқ бўлган коморбид касалликларни ўрганиш натижалари, шунингдек юракнинг морфометрик параметрлари ва геометрияси (ЭхоКГ маълумотларига кўра), ташқи нафас олиш функциялари (ТНОФ), дислипидемия ва яллиғланиш лаборатория маркерларини баҳолаш, ёғ захираларини (ФАТ дастурига мувофиқ МСКТ маълумотларига кўра) баҳолаш баён этилган.


МС билан касалланган беморларнинг соматик мақоми ва кардиометаболик хавфини кўп омилли баҳолаш шуни кўрсатдики, гликемия, дислипидемия лаборатория маркерларининг ўзгариши, бел айланаси (БА) ортиши билан биргаликда аввалдан метаболик жиҳатдан зарарли фенотипни 100%ли МСга олиб келади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**МС билан касалланган беморларда семизликнинг метаболик жиҳатдан носоғлом фенотипи омилларининг тақсимланиши**

Омил	Ҳаммаси (n=68)	Эркак (n=16)	Аёл (n=52)	P*
ЎАБ кутарилиши	49 (72%)	14 (87,5%)	35 (67,3%)	P<0,05
Гипертриглицеридемия > 1,7ммоль/л	16 (23,6%)	8 (50%)	8 (15,4%)	P<0,05
Глюкоза кутарилиши > 5,6 ммоль/л	41 (60%)	10 (62,5%)	30 (57,7%)	P>0,05
Юқори зичлик липопротеидлар пасайиши (< 1,03 муж/1,3 жен)	58 (85,3%)	15 (93,8%)	43 (82,7%)	P>0,05

Cardiometabolic Disease Staging CMDS шкаласидан фойдаланиш кардиометаболик хавфни унинг босқичини ажратган ҳолда, миқдорий баҳолашга имкон беради. Олинган натижалардан кўриниб турибдики (2-расм), МС билан оғриган беморларнинг 68% ўртача ва юқори кардиометаболик хавфга эга.




**2-расм. Даволашдан олдин Cardiometabolic Disease Staging шкаласи бўйича кардиометаболик хавф**

МС билан оғриган беморларда юракнинг ҳажмий-чизикли параметрлари тўғрисида ишончли маълумотларни фақат якуний-диастолик ҳажм (ЯДХ) ва якуний-систолик ҳажмларни (ЯСХ) тана юзаси майдонига (ТЮМ) қайта ҳисоблаш техникаси ёрдамида олиш мумкин. ТВИ 40 кг/м<sup>2</sup> дан юқори бўлган МС бўлган беморларда юқори кардиометаболик хавфни ўрнатиш чегараси куйидагилардан иборат: ЯДХ/м<sup>2</sup>=55,0 мл дан юқори, ЯСХ /м<sup>2</sup> = 22 мл дан кам. Бариатрик аралашувидан олдин МС билан оғриган беморларда мунтазам ЭхоКГ ўтказилиши керак. ЯДХ, ЯСХ ва ТФ каби кўрсаткичларни аниқлаш юқори кардиометаболик хавф гуруҳини аниқлашга имкон беради. МС билан оғриган беморларда ТНОФ бузилиши 29,4% ҳолларда учрайди. Шу билан бирга, асосан, рестриктив турдаги бузилишлар мавжуд.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, МС билан касалланган беморнинг соматик мақомини комплекс баҳолаш ТЮМ да индексланган юракнинг морфометрик параметрларини, ўпканинг ҳаётий қобилиятини, ўпканинг кучайтирилган ҳаётий қобилиятини, биринчи сонияда кучайтирилган нафас чиқариш ҳажмини аниқлаш билан ТНОФ ни баҳолашни, Тиффно индексини ҳисоблаш, CMDS шкаласи бўйича кардиометаболик хавфни баҳолашни ўз ичига олиши кераклигини кўрсатди.


Диссертациясининг **“Ошқозон лапароскопик энг резекциясини мақбуллаштирилган техникаси”** деб номланган тўртинчи бобида МЛЕР учун муаллиф модификациясида бариатрик ошқозон зонддан фойдаланиш хусусиятларини ва проксимал СЧЧЗ нинг олдини олиш нуқтаи-назаридан ошқозон энги шаклланишининг техник хусусиятларини акс эттиради.

Барча МЛЕР лар 36 Fr ўлчамдаги калибрловчи ошқозон зонди ёрдамида амалга оширилган. Мўлжал олишни яхшилш ва бўйлама резекция чизигининг энг мақбул йўналишини аниқлаш учун биз томондан жарроҳлик амалиёти давомида ички бўшлиқдаги эгриликни нур билан белгилаш учун махсус калибрловчи бариатрик зонд модификацияланди ва жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Ахборотномаси, 2020 йил 2 (226). Ихтиро учун ариза ИАП № 20190291) (3-расм).




**3-расм. Интраоператив ички бўшлиқдаги кичик эгриликни нур билан белгилаш учун бариатрик зонд**


Модикацияланган бариатрик зонд ёқилган режимда ошқозон девори орқали нурли чизик шаклида проекцияланади (диафаноскопия сингари), бу уни кичик эгрилик бўйлаб тўғри ва аниқ ўрнатишга ва шу билан ошқозон “найчаси” ни ҳосил қилганда резекция чизигини белгилашга ва тасодифан тикишдан ёки кўндаланг тушишдан сақлашга имкон беради (4, 5, 6, 7-расм).



**4-расм. Интраоперацион сурат Қорин бўшлиғи соҳасидаги қизилўнғач проекциясида бариатрик зонднинг ёруғлик нурлари**



**5-расм. Интраоперацион сурат Ошқозоннинг кичик эгрилиги проекциясида бариатрик зонднинг ёруғлик нурлари**




**6-расм. Интраоперацион сурат Бариатрик зонднинг ёруғлик нурлари ошқозоннинг орқа девори орқали проекцияланади**



**7-расм. Интраоперацион сурат Ошқозон “найчаси” ҳосил бўлиш босқичидан кейин бариатрик зонднинг ёруғлик нурлари**


СЧЧЗ ривожланишининг сабабларидан бири ошқозон бурчаги соҳасидаги ҳосил бўлган “енг” нинг торайган бўшлиғи туфайли ошқозон найчасининг проксимал қисмида ички бўшлиқ босимнинг ошиб кетиши ҳисобланади (Laplace’s Law гипотезаси бўйича). СЧЧЗ профилактикаси сифатида, incisura angularis проекциясида степлер чизигининг траекториясини ўзгартириш орқали ошқозон енгини шакллантириш техникаси бироз ўзгартирилди.

Ошқозонда резекция чизиғи ҳосил бўлишидан олдин учта анатомик мақсадли нуқталари аниқланади (8-расм): 1-нуқта - қорин бўйнидан 4,0 - 6,0 см; 2-нуқта - қорин бўйнига параллель равишда incisura angularis дан 3,0 - 4,0 см; 3-нуқта - Гис бурчаги ва қон томирлари ўтиш соҳасини (критик соҳани) ҳисобга олган ҳолда, гастроэзофагеал ўтиш жойининг чап томонидан камида 1,0 см.



**8-расм. Учта анатомик мақсадли нуқталарини ҳисобга олган ҳолда ошқозон енгини резекция қилиш чизиғининг режалаштирилган траекторияси схемаси**

СЧЗ нинг олдини олиш мақсадида ошқозоннинг стандарт тўғри чизиқли степлер кесишуvidан фарқли ўлароқ, резекция чизиғининг унинг бурчагига нисбатан уринма шаклланиши бир текис оралик ошқозон найчасини ҳосил қилишга имкон беради (9-расм).



**9-расм. Ошқозон бурчагига нисбатан ошқозон енгини стандарт ва таклиф қилинган шакллантириш схемаси**

Резекция қилинган ошқозоннинг чиқариб олинган макропрепарат бўшлиғидаги ҳажмни ва ошган босимни ўлчаган ҳолда суюқлик-контраст синама ҳосил бўлган “енг” степлер чок чизиғининг зичлигини етарли

даражада баҳолашни таъминлайди ва метилен кўк эритма билан кўшимча интраоперацион синов сифатида хизмат қилиши мумкин (10-расм).



**10-расм. Степлер чоки чизигининг зичлигини текшириш**

Диссертациясининг “МЛЕР нинг периоператив хавфи ва тахмини, рестриктив ва метаболлик самарадорликни комплекс баҳолаш” номли бешинчи боби МЛЕРнинг периоператив хавфи ва самарадорлигини тахмин қилиш, МЛЕРнинг рестриктив ва метаболлик самарадорлигини баҳолаш ва бариатрик аралашувлардан сўнг периферик қонни таҳлил қилиш бўйича тадқиқот натижаларини акс еттиради.

BSRBC калькулятори ёрдамида МЛЕР тахминини баҳолаш шуни кўрсатдики, умумий асоратларни ривожланиш хавфи 7,95% ни ташкил этди (2-жадвал).

**2-жадвал**


**BSRBC калкулятори ёрдамида МЛЕР асоратлари тахминини баҳолаш**

Асорат тури	%
1. СЧЧЗ	0,41±0,02%
2. Қон кетиш	1,87±0,12%
3. Жиддий асоратлар	3,83±0,31%
4. Непосредственно процедуры ЛРРЖ	1,24±0,05%
5. Такрор жаррохлик аралашув	1,14±0,07%
6. Такрор госпитализация	4,18±0,17%
7. Умумий асоратлар	7,95±0,42%

